

Холиқова Моҳира Кундибаевна,
Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оиласи
қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги
«Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти
бўлим бошлиғи, фалсафа доктори, доцент

XXI АСР АХБОРОТ-ТАЪЛИМ МУҲИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ПАРАДИГМАЛ АСПЕКТЛАРИ

уўқ: 37.37.01

ХОЛИҚОВА М.Қ. XXI АСР АХБОРОТ-ТАЪЛИМ МУҲИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ПАРАДИГМАЛ АСПЕКТЛАРИ

Ушбу мақолада постиндустриал ахборот ва билимлар жамиятининг жамиятнинг концептуал хусусиятларидан келиб чиқиб, XXI аср ахборот-таълим муҳитини яратишнинг базавий тамойиллари ва парадигмал аспектлари ҳақида сўз боради.

Таянч сўз ва тушунчалар: постглобаллашув, билимлар жамияти, таълим, концепция, парадигмалик, аспект, ахборот-таълим муҳити, компетенциялар.

ХАЛИКОВА М.К. ПАРАДИГМАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ СОЗДАНИЯ ИНФОРМАЦИОННО- ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СРЕДЫ ХХІ ВЕКА

В статье, исходя из концептуальных особенностей постиндустриального общества знаний, рассматриваются основные принципы и парадигматические аспекты создания информационно-образовательной среды XXI века.

Ключевые слова и понятия: постглобализация, общество знаний, образование, концепция, парадигма, аспект, информационно-образовательная среда, компетенции.

KHALIKOVA M.K. PARADIGMAL ASPECTS OF THE 21 CENTURY'S INFORMATION AND EDUCATIONAL ENVIRONMENT CREATION

In the article is discussed the conceptual features of the post-industrial knowledge society and analyzed the basic principles and paradigmatic aspects of creating an informational and educational environment for the 21st century.

Key words and concepts: post-globalization, knowledge society, education, concept, paradigm, aspect, information and educational environment, competencies.

"Барча манфаатлар ичida энг гўзали яхши тарбия олган инсондир".

Эпиктет

Кириш.

Постиндустриал жамиятда ахборот ва билимлар мамлакат тараққиётини таъминлайдиган доминант қиймат касб этди, барча соҳаларга доир энг сўнгги маълумотларни тезкор олиш ва улардан фойдаланиш ҳамда бунинг учун зарур бўлган доимий равишда кўнкималарни эгаллаш ва янгилаб бориш мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгиловчи, рақобатбардошликтининг ва меҳнат бозорини ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилига айланди.

Мавзунинг долзарблиги.

Постиндустриал жамиятнинг глобал ижтимоий-иқтисодий жараёнлари, инновацион-техник ўзгаришлари, илмий тафаккур динамикаси ва шахс фаолияти контекстида парадигмаликнинг методологик асослари, шаклланиш хусусиятлари, қадриятлар тизими масалалари илмий таҳлил қилинмаган. Шу муносабат билан замонавий илмий тадқиқотларда антропоцентрик ёндашув асосида инсонни билимларнинг яратувчиси, ташувчиси ва транслятори сифатида узлуксиз ўқитиш билан боғлиқ муаммолар долзарб аҳамият касб этади.

Мавзу бўйича илмий изланишларнинг қисқача таҳлили.

Жаҳонда ва мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар миллий таълимни ривожлантиришнинг янги тенденцияларини келтириб чиқарди. Ижтимоий ҳаётнинг концептуал тамойиллари, таълим моделлари, меҳнат шароитлари ўзгарди.

Америкалик педагог, иқтисодчи, менежмент асосчиларидан бири Питер Фердинанд Друкер асарларида келтирилган "билимга асосланган жамият" (knowledge-based society) концепцияси постиндустриал жамиятнинг базавий талабларига жавоб бера олмай қолди¹. Глобаллашган дунё "янги билим ва компетенциялар даври" га қадам қўйди, бунинг натижасида жамият, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётда чукур ўзгаришлар юз берди. Компетенцияларга асос-

ланган иқтисодиёт ва жамиятга муваффақиятли ўтиш мамлакат тараққиёти ва равнақи учун катта аҳамиятга эга бўлган "умр давомида таълим" билан бевосита боғлиқлиги англашилмоқда. 2005 йилда ЮНЕСКОнинг "Билимга асосланган жамиятларга" дастури нашр қилинди. Унда билимга асосланган жамиятларда демократияни ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни яратиш, таълим олишдан бепул фойдаланиш, ҳаёт давомида таълим олиш, лисоний ва маданий хилма-хилликни сақлаш тамойиллари акс этади. ЮНЕСКО экспертиларининг фикрига кўра, ушбу концепция ахборот жамиятидан янги турдаги қадриятлар тизими ва гуманистик устуворликларга асосланган жамиятга ўтиш истиқболларини тавсифлайди².

Замонавий педагогиканинг назарий-концептуал асосларига инсон ва унинг таълим-тарбиясига оид фалсафий, социологик, онтологик билимларнинг категориал аппарати киритилгани боис, педагогик тушунчалар ва тенденциялар таснифлаш ва тизимлаштиришга муҳтоҷ эди. Шу муносабат билан тадқиқотчилар томонидан педагогик билимларни турли хил педагогик парадигмалар шароитида тизимлаштиришга уринишлар амалга оширилди. Таклиф этилаётган парадигматик тизимлар нафақат педагогик ҳодисаларни ўрганиш учун концептуал моделларни ишлаб чиқиш, балки улар асосида замонавий таълим моделларини лойиҳалашга имкон берди.

Педагогика фанига оид луғатларда парадигмалик, илмий ҳамжамият томонидан педагогик ривожланишнинг муайян босқичида, педагогик муаммоларни ҳал қилишда, намуна сифатида қабул қилинган назарий, методологик кўрсатмалар тўплами сифатида талқин қилинади³. Н.А.Савотинанинг тадқиқотларида парадигма муайян тарихий даврда билимлар тармоғидан қатъий назар, дарсликларда, илмий ишларда қайд этилган ва илмий жамоатчилик томонидан тан олинган илмий дунёқарашнинг бошқа категорияларига нисбатан энг юқори даражадаги муаммо-

¹ Друкер П. От капитализма к обществу знания // Новая постиндустриальная волна на Западе. Антология / Под ред. Л.В. Иноземцева. - М.: "Академия", 1999. С. 67-100.

² К обществам знания. Всемирный доклад ЮНЕСКО. - Париж: Издательство ЮНЕСКО, 2005. - 240 с.

³ Коджаспирова Г.М., Коджаспиров А.Ю. Педагогический словарь. - М.: "Академия". 2000.

ларни ечиш учун намуна сифатида қабул қилинган етакчи назария сифатида эътироф этилади¹.

Педагогикада парадигмаллик ҳақиқатан ҳам илмий масалани тадқиқ этишнинг прагматик моделини яратади: «Педагогикага оид тадқиқотларнинг универсал тамойил ва ёндашувларга йўналтирилганлигини таъминлайдиган, хусусий назарияларга нисбатан услубий-методологик функцияни бажарадиган умумий ижтимоий-илмий назарияларнинг манбаси сифатида илмий ишларнинг услубий таъминоти таркибига киритилишининг мақсадга мувофиқлиги узоқ вақтдан бери исботланган»². Тадқиқотчи А.Новиковнинг таъкидлашича, жамият ривожланишининг саноат босқичида етакчи парадигма “билимга йўналтирилган парадигма” бўлган. Постиндустрималь ахборот босқичига ўтиш шароитида у таълимнинг концептуал ғояси сифатида инқизор даврига кирди ва фаолиятга йўналтирилган парадигма назарий жиҳатдан асосланиб амалиётга татбиқ этила бошланди³. Тадқиқотчи И.Ильинский таълим-тарбия муҳитидаги парадигмал жараёнлар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва технологик ўзгаришлари билан узвий боғлиқлигини, “янги технологиялар ходимга нафақат билим, кўнкма, балки унинг ижодий қобилияtlари ва шахсий фазилатлари (ташаббускорлик, тадбиркорлик) жиҳатидан янги талаблар қўйишини” таъкидлайди⁴.

Мақоланинг илмий моҳияти.

Ҳар қандай билим соҳасида янги ғоя ва концепцияларнинг вужудга келиши илмий ҳамжамият томонидан муайян даврда тан олинган илмий назария рад этилиб, олдингисидан тубдан фарқ қиласиган бошқа бир назария тан олиниши шаклида юз беради. Бу шуни англатадики, илмий инқизоб мұқаррар равишда таълим соҳасида ҳам жиддий ўзгаришларга, хусусан, педагогика фанида парадигмал ўзгаришларга олиб келади. Илмий инқилобларнинг амалга оширилиши мураккаб ва улкан воқеа, ушбу жараён, аввало, фаннинг назарий-методологик асосларини қайта қуриш (масалан, *Исаак Ньютоннинг механикаси*, Аль-

берт Эйнштейннинг нисбийлик назариясига асосланган релятивизм, квант физикасининг вужудга келиши, технологик сингулярлик) ва ижтимоий-маданий қадриятларни тубдан ўзгартириш орқали амалга оширилади.

Ижтимоий педагогика, андрагогика соҳасида тадқиқотчилар томонидан педагогик билимларни турили хил педагогик концепциялар шароитида тизимлаширишга уринишлар амалга оширилди. Таклиф этилаётган парадигматик тизимлар нафақат педагогик ҳодисаларни ўрганиш учун концептуал моделларни ишлаб чиқиш, балки улар асосида замонавий таълим моделларини лойиҳалашга имкон беради.

Тадқиқотнинг мақсади XXI аср ахборот-таълим муҳитини ташкил этишнинг парадигмал аспектларини таснифлаш асносида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти ахборот-таълим жараёнининг формал ва контекстуал аспектлари ташкил этади.

Тадқиқотда солиштирма таҳлил, таркибий-таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг эмпирик манбани соҳага оид илмий-назарий ва социологик тадқиқотлар натижалари ташкил этди.

Асосий қисм.

Ижтимоий институт сифатида таълим сиёсатининг стратегияси, педагогик ҳамжамият томонидан қабул қилинган умумий илмий-назарий қарашлар, ғоялар, кўрсатмалар таълим парадигмасида ўз ифодасини топади.

Таълим парадигмаси педагогик парадигманинг хусусий предикати (башорати) ҳамда педагогик воқееликнинг намунаси сифатида унинг моҳияти, структураси (таркибий тузулиши), тизими ҳамда ривожланишининг тарихий босқичларини акс эттиради. Ушбу жараённи муваффақиятли амалга ошириш учун педагогик назарияни амалиёт билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, назарияни амалда тақдим этиш, идеаллаширилган назарий образни амалий педагогик фаолиятга айлантириш зарур.

Маълумки, анъанавий таълим модели дастлабки индустрималь жамият ҳамда ишлаб чиқаришни конвеер усулда ташкил этишнинг ўзига хос шакли эди. Ишлаб чиқаришнинг ушбу усулини бир маромда ишлашини таъминлаш учун одамлар оммавий тарзда ўқитилиши лозим эди.

Постиндустрималь жамият мануфактура (қўл меҳнати) ва машиналарга техник хизмат кўрсатиш

¹ Савотина Н.Л. Понятие «парадигма» и его статус в педагогике // Педагогика, 2012, № 10.

² Краевский В.В. Общие основы педагогики: учеб. пособие для студ. высш. учеб. пед. заведений, 2- изд. - М.: 2006. с. 171-179.

³ Новиков А.М. Постиндустриальное общество. Монография. - М.: "Эгвес", 2011.

⁴ Ильинский И.М. Образовательная революция. - М.: Изд. Московской гуманитарной академии. 2002. - 592 с. 173 б.

қарамлигидан халос бўлиб, ижодкорлик учун кенг имкониятлар яратди ҳамда инсон саломатлиги, унинг тақрорланмас индивид, уникум сифатида ўзини ўзи англаши ва ривожланишини таъминловчи таълим парадигмасига ўтишни тақозо этади. Постиндустриал ахборот жамияти шароитида билимга йўналтирилган парадигмани компетенциявий, фаолиятга йўналтирилган парадигмага алмашинувининг объектив қонунийлигини ва фавқулодда заруриятини асослашда, парадигманинг ядроси билимга йўналтирилган модель кўринишида экани, компетентли мутахассисни тайёрлаш жараёни аниқ шаклланган билимлар базасига таяниши инкор этилмайди. Шунга қарамай, ушбу базани олинган билимларни амалий ҳаётий вазиятларда муваффақиятли қўллаш учун зарур бўлган бир қатор энг муҳим шахсий кўрсаткичлар билан самарали равишда тўлдириш мумкин.

Компетенциявий, фаолиятга йўналтирилган парадигма таълим жараёнининг мантиқий натижаси билим, кўникма ва малакалар тизими эмас, балки ҳозирги замон шахсининг интеллектуал, ижтимоий-сиёсий, маданий, ахборот ва бошқа соҳаларда муваффақиятли фаолият юритиши учун зарур бўлган компетенциялар тўплами эканини асослайди. Компетенциявий парадигма таълимнинг амалий йўналтирилганлигини таъминлайди ҳамда назарий маълумотларга эга шахсни эмас, балки маълумотларни олиш усуслари ва технологияларига эга бўлган малакали шахсни тайёрлашга интилади.

Компетенцияларни ривожлантиришга, фаолиятга йўналтирилган парадигмаллик постиндустриал таълимни шу ракурсдан баҳолашга, таснифлашга, қиёслашга, идрок этишга имкон яратади ҳамда даврнинг концептуал хусусиятларига, инновацион ғояларга, педагогик жамоатчилик томонидан қабул қилинган тубдан янгиланган методологияга асосланган бўлиб, амалий педагогик муаммоларни ҳал қилишда намуна бўлиб хизмат қиласди. Унинг таркибий қисмлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: ўқув жараёни иштирокчиларининг қадрияtlари, мотивлари, меъёрлари, мақсадлари, позициялари, шакллари, таълим усуслари, воситалари, таълим сифатини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ижтимоий институт сифатида таълим ҳозирги кунгача инсоният тафаккури или барча замонларда тўпланган билимларни умумлаштириш билан машғул бўлган ва оламнинг яралиши, инсоннинг моҳиятига оид концептуал саволларга

жавоб топишга интилган. Таълим узлуксиз жараён бўлиб, унинг асосида нафақат тўпланган билимларни ўрганиш, балки тафаккурни кенгайтириш вазифаси ҳам ётади. Жамият ҳаётининг ўзгариб бориши таълим-тарбияни ҳаракатлантирувчи кучдир, муваффақиятли таълимнинг энг муҳим белгиси эса – жамият ва инсоният тараққиёти талабларига жавоб берадиган.

Эмпирик ўрганиш натижалари.

Учинчи мингийилликнинг ижтимоий-маданий воқелиги – глобаллашув, информатизация, фантехника тараққиёти, инсониятнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини қайта кўриб чиқишига интилиши, фуқаролик жамиятларининг таркиб топиши – буларнинг барчаси таълим-тарбия методологиясини ўзгаришишни, янгича эстетик дунёқарашни шакллантиришни тақозо этади.

Ижтимоий ўзгаришлар инсон, жамият ҳамда таълим олдига янги вазифаларни қўяди. Замоннинг ушбу концептуал хусусиятларига жавоб берадиган олиши учун бугунги кун таълим мининг концептосфераси (мазмунавий муҳити) муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда дунё мамлакатларида таълим соҳасида олиб борилаётган ижтимоий жараёнларнинг таҳлилидан келиб чиқсан ҳолда XXI аср таълим мининг қўйидаги концептуал жиҳатларини санаб ўтиш мумкин:

– *Lifelong learning*, шахсий имкониятларни муттасил ривожлантириш, узлуксиз ва ҳаёт давомида таълим олиш тамойилининг имплементацияси (жорий қилиниши);

– *инсонпарварлашув, антропоцентризм* (инсон манфаатларига йўналтирилганлик), инсон шахсига ҳурмат, шахс камолоти, умумжаҳон аҳамиятга молик муаммоларга эътибор, мутахассисларнинг ўз профессионал фаолияти учун ахлоқий жавобгарлик туйғусини кучайтириш масалалари;

– *ижодий потенциални ривожлантириши, креатив* (ижодкор), ностандарт фикрлайдиган, фан, техника ва иқтисодда янги усул ва йўлларни топа оладиган, ташаббус кўрсатадиган изланувчан кадрларни тайёрлаш масалалари;

– *демократлашув, демократик жамиятда яшаш кўникмалари, сиёсий-ҳуқуқий билимлар асосида фаол фуқаролик позицияси, дунёвий онг, инсон ҳуқуқларига ҳурмат туйғуларини шакллантириш масалалари;*

– *фан ва ишилаб чиқаришининг интеграцияси, замонавий таълим жараёни, ўқув дастурларининг мазмунини давлатнинг инновацион*

ўзгаришларига, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига монандлигини таъминлаш масалалари;

– шахснинг билим, кўникма ва малакаларини шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятида амалий қўллай олиш имкониятини ошириш, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, муаммоларнинг ечимини топа олиши, рақобатбардош бўлиши учун ижтимоий компетенцияларни шакллантириши масалалари.

Ушбу мақсадлардан келиб чиқиб, бугунги кун таълими бир мақсадга – инсонларнинг маънавий-аҳлоқий ва профессионал қиёфаси тез суръатларда ўзгариб бораётган дунёнинг концептуал талабларига мос бўлишига йўналтирилмоқда.

Постиндустрисал жамият тафаккурида технократик ёндашув яқъол кўзга ташланмоқда. Дунё ҳамжамиятини қийнаб турган глобал сиёсий, иқтисодий, экологик муаммолар билан бирга маънавий хатарлар - гуманизм, дунёвий онг, толерантлик туйғуларининг сусайгани, ижтимоий интеллектнинг йўқола бошлагани тилга олинмоқда. Буларнинг барчаси таълим-тарбияда устувор этиб гуманистик ғояларни ҳимоя этиш, эзгулик, инсон-парварлик ғоялари остида баҳамжиҳат яшашни ўргатиш, ижтимоий интеллект, экологик маданият, ўз хатти-ҳаракати ва қарорлари учун жавобгарлик ҳиси каби ижтимоий компетенцияларни таркиб топтириш вазифасини қўймоқда.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда замоннинг ана шу базавий тамойил ва хусусиятларидан келиб чиқмоқ лозим.

Шунингдек, илм-фан ва техника тараққиёти, замон шиддати ва постглобаллашув жараёни ўқувчи ёшларга тақдим этилаётган ҳар қандай манбага диққат билан ёндашишни талаб этади, зеро ўқувчиларнинг ҳаётий билим ва ижтимоий кўникмаларини ривожлантиришда дарсликлар асосий манба вазифасини ўтайди.

Хулосалар.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, хулоса қилиб айтганда, XXI аср ахборот-таълим муҳити ўқув жараёнининг формал ва мазмуний жиҳатларини, ғояларини акс эттирувчи парадигмализмга асосланиши, постиндустрисал тамаддуннинг концептуал тамойилларидан келиб чиқиши зарур.

Соҳага оид илмий тадқиқотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, таълим парадигмасининг ижтимоий педагогика, андрографика ва бошқа турдош фанларнинг бошланғич концептуал асосларини қабул қилиш ўқув-тарбия амалиётини ташкил этишининг янги моделларини ишлаб чиқиш билан

чекланмайди. Янги циклни бошлаш учун мавжуд парадигма ёрдамида ҳал қилиб бўлмайдиган жиддий муаммолар пайдо бўлиши керак. Ижтимоий воқелик ўзгариши билан ҳар қандай парадигма доирасида доминант парадигма доирасида ечиб бўлмайдиган муҳим муаммолар мажмуаси шаклланади ва ушбу муаммолар парадигма алмашинувининг ўзига хос "катализатори" бўлиб хизмат қиласди. Бундан ташқари, педагогика фанида парадигмаларнинг шаклланиши, ривожланиши ва инқирозининг ижтимоий-тариҳий босқичлари билан боғлиқ ҳолда парадигмализмни таснифлашни кузатиш мумкин.

Педагогик парадигма таълим тарихининг маълум бир даврига хос бўлган тафаккур тарзи, дунёқараш сифатида илмий педагогик жамоатчиликка таълим соҳасидаги амалий муаммоларни ҳал қилиш моделини тақдим этувчи, ўзида таълимни ривожлантириш қонуниятларини акс эттирувчи ижтимоий аҳамиятга эга ғоялар ва назарияларнинг барқарор тизими сифатида эътиборга молик.

Тадқиқот асосида соҳани ривожлантиришга доир қуидаги **таклифларни беришимиш мумкин:**

XXI аср ахборот таълим муҳити учинчи мингийлликнинг концептуал ижтимоий-маданий воқелиги (постиндустрисал ахборот жамияти, экспоненциал ривожланиш даражаси, маънавий таҳдидлар) дан келиб чиқиб қуидаги мезонлар асосида ташкил этилиши лозим, деб ҳисоблаймиз:

- энг муҳим ҳаётий компетенцияларни шакллантириш;
- шахснинг йўналтирилган ёндашувни амалга ошириш;
- шахснинг индивидуал қобилияtlарини ривожлантириш;
- умр давомида таълим олиш тамойилини таълим мазмунига имплементация (жорий) қилиш;
- интерфаол ёндашув, лойиҳалаш технологиялари ва кейс-методикаларини соҳага татбиқ этиш;
- шахснинг Web 2.0. технологиялар, ахборот билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш;
- таълим мазмунига Sustainable development (барқарор ривожланиш), экологик маданият, шахс экологияси тамойилларини татбиқ этиш;
- ўқувчи шахсида Global citizenship, глобал тафаккур, умуминсоний муаммоларга дахлдорлик ҳисини кучайтириш.

Адабиётлар рўйхати:

1. Друкер П. От капитализма к обществу знания // Новая постиндустриальная волна на Западе. Антология / Под ред. Л.В. Иноземцева. - М.: "Академия", 1999. С. 67– 100.
2. К обществам знания. Всемирный доклад ЮНЕСКО. - Париж: Издательство ЮНЕСКО, 2005. - 240 с.
3. Коджаспирова Г.М., Коджаспиров А.Ю. Педагогический словарь. - М.: "Академия", 2000.
4. Савотина Н.Л. Понятие «парадигма» и его статус в педагогике // Педагогика, 2012, № 10.
5. Краевский В.В. Общие основы педагогики: учеб. пособие для студ. высш. учеб. пед. заведений, 2- изд. - М.: 2006. с. 171-200.
6. Новиков А.М. Постиндустриальное общество. Монография. — М.: "Эгвес", 2011.
7. Ильинский И.М. Образовательная революция. - М.: Изд. Моск. гуманитарной академии. 2002. - 592 с.